



Иш вазифаси

// должностные обязанности

ГУРУХ ВА КОТИБИЯТЛАР РАХБАРЛАРИ

www.andijan.uz

Андижон вилояти ҳокимлиги

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КОТИБИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Н И З О М

I. Умумий қоидалар

Андижон вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича Котибияти (бундан кейин “Котибият” деб юритилади) вилоят ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, фармонлар, қарорлар, фармойишлар, Андижон вилояти ҳокимининг қарор, фармойишлари ва кўрсатмаларига амал қилади.

Котибият томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни асосида, Андижон вилояти ҳокимлигининг Бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари ва уюшмалари, шаҳар ва туман ҳокимларининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминлайди.

Котибият Андижон вилояти ҳокимининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ва Котибият мудирининг бевосита раҳбарлигида ишлайди.

Котибият вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари хизмат вазифалари тақсимотига мувофиқ, вилоят ҳокимлигининг иқтисодий-ижтимоий масалаларига алоқадор Бош бошқармалар, бошқармалар, идоралар, бирлашмалар, илмий муассасалар ҳамда шаҳар ва туман ҳокимларининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари билан мувофиқлашган ҳолда ўз фаолиятини юритади.

II. Котибиятнинг асосий вазифалари

Қуйидагилар Котибиятнинг ваколати доирасидаги асосий вазифалар ҳисобланади;

- вилоятда иқтисодий-ижтимоий мажмуа тасарруфидаги вилоят Бош бошқармалари, бошқармалари, идоралари, бирлашмалари, таълим муассасалар ҳамда шаҳар ва туман ҳокимларининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари олдига вазифалар қўйиш;

- мажмуага тегишли Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Давлат ва вилоят дастурлари асосида ислохотларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

- вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари ҳузурида ўтказиладиган йиғилишлар, мажлислар, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиялари ва бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказилишида мажмуага тегишли маълумот ва ахборотлар тайёрлаб киритиш;

- иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан йиллик ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш;

- иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, вилоят иқтисодиётини барқарор, мутаносиб ва жадал ривожланиши юзасидан амалий чоралар кўриш;

- ишлаб чиқариш қувватларини шаҳар ва туманлар бўйича тўғри тақсимланиши ва самарали ривожланиши борасида ишларни мувофиқлаштириш;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кучайтириш, аҳолини турмуш даражасини барқарор ўсиб бориши, иқтисодий инфратузилма ривожини таҳлил этиш;
- иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва ушбу дастурларни амалга оширилишини Котибиятга кирувчи бошқармалар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан амалга ошириш;
- вилоят иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлар, қарорлар, фармойишлар, Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган қарорлар, фармойишлар бажарилишини назоратга олиш;
- соҳага оид қарор ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда таклифлар бериш, қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва муҳокама этишда бевосита иштирок этиш;
- вилоятдаги бошқарма, бўлимлар, шаҳар ва туман ҳокимликларида Котибият назоратидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, Хукумат ҳамда вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларини ижроси юзасидан назорат ўрнатиш;
- вилоят ҳокимлигига мажмуага оид масалалар юзасидан фуқаролардан келаётган таклиф, ариза ва шикоятлар билан ишлаш.

III. Котибиятнинг тузилиши ва ишнинг ташкил этилиши

Котибият тузилмасига: Котибият мудирини, 1 нафар бош мутахассис, 1 нафар етакчи мутахассис, 1 нафар референт кирази.

Улар иш тақсимоотида белгиланган вазифалар бўйича иш олиб борадилар.

Котибият ўз фаолиятини истиқболли дастур, чораклик, ярим йиллик ва йиллик режалар асосида олиб боради.

Котибиятда ҳар ҳафтада ҳафта якунларига бағишланган йиғилишлар ўтказилиб, қилиниши зарур бўлган вазифа ва топшириқлар, иш режалар, қарор ва фармойишларнинг бажарилиши кўриб чиқилади ҳамда уларни ижросини таъминлаш юзасидан ходимлар ахборот берадилар. Янги ҳафтага режалаштирилган ишлар муҳокама қилинади.

Котибият мутахассислари вилоят бошқарма, бўлимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган режа ва топшириқларнинг бажарилишини назорат қиладилар ва уларга бу борада амалий ёрдам кўрсатадилар.

IV. Котибият ходимларининг вазифалари **Котибият мудирини**

Котибият, мажмуага тегишли бош бошқармалар, бошқармалар, идоралар, бўлимлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларининг самарали ишлашини назорат қилади ва таъминлайди, вилоят ҳокимлиги Котибияти зиммасига юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан масъул бўлади.

Вилоят ҳокимлигида соҳага оид ўтказилиши мўлжалланган тадбирлар режаларининг лойиҳалари тайёрланишини ташкил этади.

Соҳага оид бошқармалар ва бўлимлар томонидан тайёрланган масалалар хусусида вилоят ҳокимига ҳокимнинг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари орқали ахборот беради.

Котибиятнинг самарали фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади. Котибият тузилмаси, штатлар ва кадрлар таркибига оид масалалар юзасидан вилоят ҳокимлиги раҳбарияти кўриб чиқиши учун таклиф киритади, ходимларнинг ишчанлик малакасини ошириш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш ишларини ташкил этади.

Ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, иш уюшган ҳолда батартиб боришини, хизмат интизомига риоя этилишини таъминлайди ва ходимлар ўз вазифаларини бажаришлари ҳамда иш юритиш тартибига риоя этишлари юзасидан уларни масъулиятини ошириб боради.

Сохага оид бошқарма ва бўлимлар, шаҳар ва туман ҳокимликларида тайёрланган масалалар хусусида вилоят ҳокимининг ўринбосарига ахборот беради.

Мажмуа тасарруфидаги давлат органлари ва бирлашмалари билан вилоят ҳокимлиги Котибияти номидан иш кўради.

Котибият мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш вилоят ҳокимининг ўринбосари билан келишилган таклифларни вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарига тақдим этади.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, шаҳар ва туман ҳокимиятларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади.

Котибият мудирини вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бош мутахассис бажаради.

Ушбу Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

**Андижон вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича
котибият мудирини**